O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 7 май, № 90 (4500) Чоршанба

*"Маънавият" нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобини нашрдан чиқарди.*

## «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ– ЕНГИЛМАС КУЧ»




Ушбу китобда одамзод учун ҳамма замонларда ҳам бебаҳо бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ҳамда амалий томонлари кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилади. Айни пайтда истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар, ислоҳотларнинг маънавий мезонлари ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Муаллиф ҳақли равишда таъкидлаганидек, "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак".

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги ва эртанги ҳаётимиз билан чамбарчас боғлиқ бўлган ғоят муҳим ва ҳал қилувчи масалалар ўртага қўйилган мазкур асар инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва кучга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида ҳар томонлама мушоҳада юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратишга даъват этиши билан улкан аҳамият касб этади.

**(ЎзА).**

2008 Uzbekistan AGROMINITECH EXPO 2008

# КЎРГАЗМА-САВДО САМАРАЛИ БЎЛДИ

*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да 3-6 май кунлари "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2008" қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг учинчи Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилди.*



С. ЎРМОНОВ олган сурат.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ва юксак самарали ислоҳотлар фермерликни ривожлантириш, соҳада замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳажмини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 августда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Кўргазма-савдода Ўзбекистон, Россия, Хитой, Австрия, Германия, Швеция, Италия, Нидерландия, Исроил, Индонезия, Корея Республикаси, Словакия, Польша, Украина, Франция, Чехия, Туркия, Эрон каби йигирмадан зиёд мамлакатдан ўнлаб фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашди. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги саноатида қўлланиладиган минитехнологиялар ҳамда мева-сабзавотни қайта ишлаш, қадоқлаш, ветеринария, қоракўлчилик ва терига ишлов бериш ускуналари, ўсимликларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган кўплаб турдаги кимёвий воситалар намойиш этилди.

— Бизнинг компания пахта ва ғалла йиғим-терим машиналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди Хитойнинг "Vantoni" миллий компанияси президенти Ли Хилин. — Мазкур кўргазмада иккинчи марта иштирок этдик. Кўргазма юқори савияда ташкил этилгани, намойиш қилинаётган маҳсулотларнинг хилма-хиллиги билан эътиборга молик. Юртингизда хорижий сармоядорларнинг ишлаши учун қулай сармоявий муҳит яратилган. Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни жуда қадрлаймиз. Ўзаро шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Кўргазма-савдо доирасида бу ерда гўшт-сут маҳсулотлари ва мева-сабзавотларни қайта ишлашда фойда-

(Давоми 2-бетда).

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.***

Республика Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р. Қодиров бошқарган йиғилишда Навоий ва Хоразм вилоятларида ўсиб келаётган авлоднинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, соғлом турмуш кечириши учун кўмак бериш ва кенг имкониятлар яратиш, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш борасидаги ишларнинг аҳволига доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўтган йили ҳудудий комиссиялар томонидан давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож 138 мингдан зиёд болага амалий ёрдам, 6 минг нафар ҳуқуқбузар болага тўғри йўл-йўриқ кўрсатилганлиги, ёш авлодни она-Ватанга меҳр-муҳаббат, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 17 минг бошланғич ташкилотига 5 миллион нафардан зиёд ёшлар жалб қилинганлиги, барча таълим муассасаларида ҳуқуқий ва тарбиявий мавзуларда учрашувлар ташкил қилинганлиги қайд этилди.

Ишламаётган 23 мингдан зиёд йигит-қиз иш билан таъминланди, қарийб тўрт минг нафар талабага таълим кредитлари, 377 тадбиркорга микрокредитлар ажратилди. 52 фермер хўжалиги ташкил этилиб, ёшлар учун 656 та янги иш ўрни яратилди.

Навоий ва Хоразм вилоятлари комиссиялари ташаббуси билан ўсиб келаётган авлоднинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, соғлом турмуш кечириши учун кенг имкониятлар яратиш, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида махсус дастурлар ишлаб чиқилган.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда ёшларнинг долзарб муаммоларини ечиш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, ижтимоий фаоллигини кучайтиришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда вояга етмаганлар муҳитида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, тарбияси оғир ўқувчиларни тўгараклар ва маданий-маърифий тадбирларга кенг жалб қилиш, таълим муассасаларида ёшлар ташкилотлари фаолиятини жонлантириб, мазкур тоифадаги ўқувчилар билан тарбиявий тадбирлар ўтказишда етакчилар имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланган.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси, комиссия аъзоси А. Алимовнинг ҳисоботи тингланди.

Шу билан бирга, йиғилишда муҳокама қилинган масала бўйича жойларда муайян камчиликларга йўл қўйилаётгани қайд этилди. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Иномова ва Р. Қосимов иштирок этди.

**Б. НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Микромолиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларда ижро этилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

## МИКРОМОЛИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А. Аҳадов бошқарган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик кўламини кенгайтириш, мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни эркин бозор иқтисодиётининг кескин рақобатига мослаштиришда энг зарур молиявий манбалардан самарали фойдаланиш борасида муҳим амалий ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилнинг май ойида қабул қилинган Фармони асосида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида микромолиявий хизматларга эҳтиёжи бўлган кичик бизнес ва тадбиркорликни, аҳолини тўлиқ қамраб оладиган микромолиялаштириш тизимини яратиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Бугунги кунда барча тижорат банклари, 59 та кредит уюшмаси, 31 та ломбард ва 18 та микрокредит ташкилоти мижозларга микромолиявий хизмат кўрсатмоқда. Бунда кичик бизнес, тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли қатламлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётир.

Қўмита томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ тегишли микромолиялаш институтларида Қонун ижросини ўрганиб чиқиб, айрим камчилик ва хатоларга, сусткашликларга йўл қўйилаётганини ҳам қайд этди. Шунингдек, депутатлар ушбу тизимда Қонун ва қонуности ҳужжатларига тегишли тартибда қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини таъкидладилар.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТИББИЁТДАГИ ТАЖРИБАМИЗ – ДУНЁ НИГОҲИДА

***Пойтахтимизда Евро-Осиё респираторлар жамияти (ЕОРЖ)нинг IV конгресси ва пульмонологларнинг V халқаро анжумани бошланди. Унда МДҲ ва Европанинг қатор мамлакатларидан келган 125 нафардан зиёд вакил иштирок этмоқда.***

**Анжуман**

Мазкур нуфузли халқаро анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида юз бераётган янгиланишлар, амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар халқаро миқёсда ҳам муносиб баҳоланмоқда. Қолаверса, бугун эл саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш ижтимоий сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан биридир.

Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда пульмонология соҳасида ҳам ижобий ютуқларга эришилмоқда.

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар ҳар жиҳатдан эътирофга арзигулик, — дейди Евро-Осиё респираторлар жамиятининг ижрочи директори А. Байгенжин. — Хусусан, фтизиатрия ва пульмонология борасида кўпгина давлатлар ибрат олиши мумкин бўлган тажриба тўпланганлиги қувонарлидир.

Бир сўз билан айтганда, пойтахтимизда иш бошлаган ушбу халқаро анжуман жаҳон пульмонология фанини янада ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофазалашга қаратилган ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Ф. САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Янги ҳаво кўприги

**Хушхабар**

Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ҳафтанинг ҳар жума куни «Урганч — Париж — Урганч» авиайўналишида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг замонавий самолётлари уча бошлайди.

Ўтган ҳафтада ана шундай авиақатнов биринчи бор амалга оширилди. «Боинг-757» замонавий ҳаво лайнери Парижнинг Шарль де Голль аэропортидан 175 нафар турист билан Урганч халқаро аэропортига келиб қўнди.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, бундай янги ҳаво кўпригини яратиш учун барча шароитлар етарли. Ушбу янги авиайўналиш Хоразм воҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки кўҳна Хоразм тарихига франциялик сайёҳларнинг қизиқиши тобора ошиб бормоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

***Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги мақсадларга изчиллик билан эришишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Инсон ҳуқуқлари ва демократия Ўзбекистоннинг миллий ҳамда давлат манфаатларига, халқимизнинг эрксевар миллий тафаккур тарзи ва руҳиятига тўла мос келади.***

**Мушоҳада**

Шу маънода жорий йилнинг 1 майида қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи ҳамда мантиқий давоми эканлигини қайд этиш лозим. Бинобарин, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари кеча ёки бугун кун тартибига қўйилган эмас. Аксинча, Конституциямиз қабул қилинганидаёқ ушбу ислоҳотларнинг тамал тоши қўйилган эди, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, Конституциямизнинг муқаддимасида инсон ҳуқуқларига содиқлигимизни тантанали равишда эълон қилганимиз ҳам бежиз эмас.

Конституциямизда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутган бўлиб, Асосий Қонунимиз инсон манфаати давлат манфаатидан устун туришини муҳрлаб қўйди. Конституцияда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ва демократик ҳуқуқ ҳамда эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши мустаҳкамлаб қўйилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Шунингдек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди.

Юртимизда қабул қилинаётган барча қонун ҳужжатлари негизини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий таъминлаш ташкил этмоқда. Республикамизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари тўла шаклланди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлашнинг ҳуқуқий меъёрлари шакллантирилди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлабоқ давлатимиз раҳбари давлат ва жамият қурилиши, янгиланиши йўлида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг пировард мақсади, аввало, инсон манфаатига ва халққа хизмат қилиш эканлигини эътироф этди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, шахс, оила, жамиятнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланди. Шу маънода юқорида тилга олинган Фармоннинг тарихий аҳамияти шундаки, мазкур ҳужжат асосида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ишларнинг сифат жиҳатдан янги босқичи бошланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## КИЧИК БИЗНЕС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**Бир рақам шарҳи**



**2008** йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **39,8** фоизга кўпайди.

Ана шу хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантириш юзасидан кўрилаётган бундай чора-тадбирлар жойларда ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш имконини берди.

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фармоннинг бош мақсади мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмларга оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштиришдир. Унинг асосида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури маъқулланди ҳамда мазкур тадбирларда давлат ва нодавлат тузилмалари, оммавий ахборот воситалари қатнашиши энг муҳим вазифа этиб белгиланди, Тадбирлар дастурида қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссиянинг асосий вазифалари кўрсатиб берилди. Қолаверса, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилди. Шунингдек, декларациянинг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган рисолалар, ўқув қўлланмалари, ижтимоий-сиёсий материаллар чоп этилиши ва аҳоли орасида кенг тарқатиш белгилаб қўйилди. Таълим муассасаларида ҳамда ёшлар ўртасида етакчи мутахассис ва олимлар иштирокида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, ёшларнинг янги жамият барпо этишда фаол иштироки учун зарур социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароит яратиш, 2008 йил 10 декабрда барча таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган умуммиллий дарс ўтказиш каби вазифалар ҳам ушбу ҳужжат олдимизга қўйган тадбирлар сирасига киради. Бундан ташқари, унда журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича олий таълим муассасалари ўқув режаларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари иштирок этишининг миллий ва хорижий тажрибасини ўрганишни назарда тутадиган махсус ўқув дастурларини киритиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бўлинмалар фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар тайёрлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва пировардида, оммавий ахборот воситаларида тадбирларни ёритиш бўйича тематик кўрсатувлар ҳамда мақолалар тайёрлаш каби вазифалар ҳам белгиланди.

Зеро, мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари таъминланиши натижасида фуқароларимиз жуда кенг имкониятларга эга бўлмоқдалар. Хусусан, декларациянинг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгалиги белгиланган. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Декларациянинг 17-моддасида белгиланган ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эгалигини оладиган бўлсак, ҳозирда мазкур ҳуқуқнинг ҳукуматимиз томонидан таъминланиши, айни пайтда рағбатлантирилиши самараси ўлароқ, юртимизда бугунги кунда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 46 фоизни ташкил этмоқда.

Декларациянинг 18-моддасида ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Давлатимиз Конституцияси ва қонунларида ҳам ушбу қоидалар мустаҳкамланиб, уларнинг ижроси ўлароқ, ҳозирда мамлакатимизда 18 та диний конфессия эркин ва тўлақонли фаолият кўрсатмоқда. Ёки декларациянинг 26-моддасида ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқига эгалиги, таълим олишда, ҳеч бўлмаганда, бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозимлиги белгиланган. Мамлакатимиз Конституциясининг 41-моддаси мазкур талабларга тўла мувофиқ келади. Унга асосан, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳам амалга оширилмоқда.

**Х**улоса қилиб айтганда, инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлаш — узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, Ўзбекистонда ҳар соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳияти инсон манфаатларига хизмат қилишдан иборатдир. Жумладан, мазкур ҳужжат билан бир кунда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг замирида ҳам инсонларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқлари ётибди. Шу маънода, мазкур фармонлар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, модернизациялаш ҳамда ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада муваффақиятли кечишига хизмат қилиши муқаррардир.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

▼ **Янгилик**

Яқин кунларда мамлакатимизда янги "eKarmon" электрон тўловлар тизими иш бошлайди.

# ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ

*ташқарига чиқмасдан амалга оширилади*

— Мазкур тизим фуқаролар учун озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший ва компьютер технологиялари, мобиль алоқа, интернет, телефон ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш, шунингдек, кино-театрларга чипталарни уй ёки идорадан чиқмаган ҳолда харид қилиш имконини беради, — дейди "eKarmon" электрон тўловлар тизимининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими ходими Нодира Мақсудова. — Мазкур тизим истеъмолчиларга ҳафта давомида узлуксиз 24 соат хизмат кўрсатади.

Мазкур янгилик интернет-дўконлар ёрдамида электрон тўловларни ўтказиш бўйича бошланғич лойиҳа сифатида тақдим этилмоқда.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

***Сайловчилар ишончини оқлашга интилиш, режалаштирилган ишларни амалга оширишга сидқидилдан ёндашув, ўзига юклатилган вазифаларни виждонан адо этишга ҳаракат сенатор ва депутатларимиз иш фаолиятининг бош мезонидир. Буни улар бажараётган кенг кўламли ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***

Яқинда Урганч автотранспорт касб-ҳунар коллежи директори, сенатор Эгамберган Каримовнинг 2007 йилги иш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида тингланди. Сенатор ўтган бир йил давомида Янгиарик, Янгибозор, Ҳазорасп, Қўшкўпир, Урганч туманлари ва шаҳрида 70

▼ **Сенатор ҳисоб берди**

дан ортиқ учрашувлар ўтказди. Сайловчилар билан кечган ушбу мулоқотларда Эгамберган Каримов парламентда сўнгги бир йилда қабул қилинган қонунлар, Президентимиз Фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштиришга қўшаётган ҳиссаси тўғрисида аниқ мисоллар ва далиллар билан гапириб берди. Бундан ташқари, сенатор сайловчилар билан юзма-юз суҳбатларда турли мавзулардаги кўпдан-кўп саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

«Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун», деган шиор бугун кундалик ҳаётимизда ўзининг тўлиқ аксини топмоқда. Хусусан, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш борасида имтиёзли кредитлар ажратилаётгани, янги иш ўринларини яратиш мақсадида берилаётган микрокредитлар ҳажми ошганлиги ва шу каби бошқа имтиёзларни бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Бу имтиёзлардан фойдаланиш учун эса аҳоли қонундан яхши хабардор бўлиши лозим. Сенатор ушбу йўналиш — фуқароларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, Ижтимоий ҳимоя йилида улардан тушган оғзаки ва ёзма мурожаатлар асосида вилоят ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларига ногиронлар ҳамда меҳнат фахрийларига қўшимча имтиёзлар ажратиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига боқувчисини йўқотган, ота-онаси йўқ болаларга олий ўқув юртларига киришда бериладиган имтиёзлар бўйича, АТБ "Микрокредитбанк" Хоразм вилояти ва шаҳар бўлимларига тадбиркорлар учун микрокредит ажратиш юзасидан бир неча маротаба сенатор сўровлари билан мурожаат этилди. Шундан сўнг қонунда назарда тутилган ҳолатда уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги борасида Э. Каримовнинг фаолияти ибратлидир. Жумладан, у ҳар иккала органнинг минтақавий ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича тузилган ишчи гуруҳининг аъзоси сифатида талай ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисларида муҳокама қилинаётган масалалар, қабул қилинган Қонун ва қарорларни аҳоли ўртасида тарғиб этиш мақсадида туман ва шаҳарларда 62 маротаба учрашув ташкил этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, сенатор Эгамберган Каримовнинг Хоразм вилоятидаги сайловчилар билан ўтказган учрашувлари расмиятчилик ёки юзакичиликдан мутлақо холи. Бу учрашувларда одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини, дардини сенаторга эркин баён этмоқда, керак бўлганда, унга кўмаклашмоқда. Бу эса нафақат халқнинг олий ҳокимият органидаги вакили билан кечган юзма-юз мулоқотларининг жонли, баҳс-мунозаралар тарзида қизғин ўтишини таъминламоқда, балки юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларга фуқароларнинг ишончини ҳам оширмоқда.

**Ю. БЎРОНОВ.**



**9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни**

***Иккинчи жаҳон урушида биргина Сурхондарё вилоятидан 44377 киши қатнашган. 13613 воҳадошимиз ҳалок бўлган. Ўша суронли кунларда тинчлик учун курашган ватандошларимиз хотирасига мустақиллик йилларида алоҳида эҳтиром кўрсатилмоқда.***

# МЕҲРУ ОҚИБАТ ОҒУШИДА

**Дил сўзи**

Мен 91 ёшга кирдим. Қаҳатчилик, қатағон, очарчилик замонларининг гувоҳиман. Халқини эмас, салтанатини, эзгуликни эмас, ўзининг тор манфаатини ўйлаганларни, миллат фидойиларини бағрига тортиш ўрнига уларга азоб берганларни кўрдим.

Ўзбекнинг елкасига кун тегди. Мустақил бўлди. Эл-улус қадр-қимматини топди. Унинг қадриятлари ўз номи билан атала бошланди. Хотира ва қадрлаш куни ҳам бунинг бир мисолидир. Бугун мен бир фуқаро сифатида шундай хайрли ишларнинг бошида турган Президентимизга миннатдорлик билдираман. Нафақат байрам кунлари, балки ҳар бир қадамимиз, ҳар бир нафасимизда биз меҳр-меҳрибонликни сезиб турибмиз. Инсон шаъни, ғурури, ҳуқуқлари, бугунги куни ва келажаги ишончли қўлларда эканини ҳис этиб турибмиз.

Биз фахрийлар ҳамон сафдамиз. Сўзимиз, ибратимиз юрт равнақига, ёш авлод тарбиясига асқотаётган экан, бу ҳол бизга ҳам бардамлик, куч-қувват бағишлайверади.

**Соҳиб РЎЗИЕВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**
*Термиз шаҳри*

# КЎРГАЗМА-САВДО САМАРАЛИ БЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ланиладиган минитехнологиялар, паррандачиликда қўлланиладиган замонавий технологиялар, боғдорчилик ва қадоқлаш ускуналарини қўллашга бағишланган амалий семинарлар ўтказилди. Ўзбекистонлик ва хорижлик ишлаб чиқарувчилар иштирокчиларни ўз технологиялари ва ускуналари билан таништирдилар.

Қайд этиш жоизки, кўргазма доирасида шартномаларни қисқа фурсатда расмийлаштириш, харид қилинган асбоб-ускуналарни ўз вақтида етказиб беришда қулайлик яратиш учун банклар, лизинг ва транспорт компаниялари, божхона ва солиқ хизматлари вакилларининг бевосита иштироки таъминланди.

— Компаниямиз сут маҳсулотлари сифатини текширадиган турли минитехнологиялар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг намлик даражасини аниқлайдиган махсус ускуналар ишлаб чиқаради, — дейди Россиянинг "Сибагроприбор" масъулияти чекланган жамиятининг менежери Людмила Перминова. — Кўргазма-савдо доирасида Ўзбекистоннинг қатор фирма ва компаниялари билан самарали мулоқотлар ўтказдик. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир ҳужжатлар имзоладик.

Кўргазма-савдо қатнашчилари тўрт кун давомида бир-бирининг имкониятлари, талаб ва эҳтиёжлари билан танишдилар, ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказиб, савдо шартномалари ва шериклик битимларини имзоладилар. Мазкур тадбир юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда фермер ва тадбиркорлар фаолиятининг янада ривожланишига хизмат қилади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «ЎҒЛИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН»

## дейди фарзандини армияга кузатаётган она

**Баҳорги чақирув**

***Олот туманидаги 7-болалар ва ўсмирлар спорт мактаб-интернати ўқитувчиси Гулчеҳра Рўзиевани вилоят муддатли ҳарбий хизматга жўнатув пунктида учратиб қолдик. Онанинг ҳаяжонда экани шундоқ юз-кўзидан сезилиб турарди. Нега ҳам ҳаяжонланмасин? Оқ ювиб, оқ тараган фарзанди Бобораҳим бугун йигитлик бурчини ўтагани ҳарбий хизматга жўнаб кетяпти, ахир.***



— Бобораҳим оиламизда ягона ўғил, — дейди Гулчеҳра опа саф тортиб турган йигитлар қаторидаги фарзандидан кўз уза олмай. — Ҳарбий бўламан деган нияти бор. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, «Ниятинг — йўлдошинг бўлсин» дедик.

Бобораҳимда ҳарбий соҳага қизиқиш ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Амакиси Ҳайдар Эргашев — ҳарбий. Бобораҳим билан қисқагина суҳбат давомида бир нарсага ишонч ҳосил қилдик. У Ватан олдидаги ўз бурчини яхши ҳис этади. Соғлом, жисмонан бақувват. Ота-онаси ишлаётган спорт мактаб-интернатда ўқиган. Устозларидан миллий кураш, дзюдо сирларини ўрганган. Вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган. Спорт усталигига номзод.

— Ўғлим билан фахрланаман, — дейди Гулчеҳра опа. — У Ватан ҳимоячиси бўлишга ҳар томонлама тайёр. Буни ишонч билан айта оламан.

Шофиркон туманидаги Музрокул қишлоғида яшовчи Холмурод Бойматовнинг ҳам ўғли Шерзоджондан кўнгли тўқ. «Йигитлик бурчини ўтагани ўз хоҳиш-истаги билан кетаяпти, — дейди ота ғурур билан фарзанди тўғрисида. — Бухоро автомобиль-йўллар коллежида таҳсил олган. Ундан умидимиз катта».

Бундай илиқ, юракдан айтилган самимий сўзларни шу куни ўғли ёки набирасини муддатли ҳарбий хизматга кузатгани келган ҳар бир ота-онадан эшитиш мумкин эди.

— Туманимиздан бир гуруҳ йигитлар Ватан олдидаги бурчларини бажаргани армияга жўнаб кетишмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Пешку тумани кенгаши раиси Ғайрат Ҳамидов. — Улар тест синовларини муваффақиятли топширишди. Тиббий кўрик натижаларига кўра, соғлиқлари ҳам жойида. Минг бир синовдан ўтишди, десам асло муболаға қилмаган бўламан.

Кузатув онлари ҳамиша ҳаяжонли кечган. Ўғлини бағрига босиб, «Ой бориб, омон қайт» дея тилак билдираётган оналар, «Ўғлим, сендан умидим катта» деб қучоқ очган оталар тимсолида жони жонимизга туташ Ватан қиёфаси кўз олдимизга келди. Зеро, Ватанни ҳимоя қилиш — элни, ота-онани асраш демакдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Самарқандда Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича доимий вилоят комиссияси томонидан жорий йилнинг дастлабки чорагида бажарилган ишлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЗАРУР

Самарқанд вилояти ҳокими Ў. Барноев бошқарган йиғилишда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жамиятдаги ўрни ва мақеини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани алоҳида таъкидланди.

Бу борада Самарқанд вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аёлларнинг вилоятни ҳар томонлама ривожлантиришдаги иштироки, ижтимой-сиёсий, ҳуқуқий, тиббий билим ва кўникмалари ортиб бораётир. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизлар сафи тобора кенгаймоқда.

Йиғилишда жойларда бу масалаларга масъулият билан ёндашмаслик, тарғибот ишларининг сустлиги натижасида айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани қайд этилди. Хусусан, хотин-қизлар, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учраётгани ачинарлидир. Ўтган давр мобайнида нотинч оилалар сони олдинги йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча ошган. ФҲДЁ бўлимлари орқали 53, суд орқали 611 никоҳ бекор қилинган. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Оилавий муҳит ва хотин-қизлар ҳаётини ўрганиш, улар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар қамровини кенгайтиришга маҳалла маслаҳатчилари, посбонлари, профилактика нозирлари томонидан етарли даражада эътибор қаратилмаётир.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, мутасадди раҳбарлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**




***Маълумки, Президентимиз ташаббуси ва таклифига биноан, Ўзбекистонда — МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб — 1995 йилда Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган юртдошларимизнинг эзгу номларини ўз саҳифаларида муҳрлаган 34 жилддан иборат «Хотира» китоблари нашр этилди ва уларда 431 минг нафардан ортиқ марҳум жангчилар ҳақида маълумотлар берилди.***

# «ХОТИРА» КИТОБИНИНГ ЯНГИ ЖИЛДИ

1999 йилда эса, Хотира ва қадрлаш куни арафасида Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдонида, остонасида мангу олов ёниб турган Хотира мажмуи тантанали равишда очилди. Худди шундай Хотира майдонлари вилоятларда, туманлар ва шаҳарларда ҳам бунёд этилиб, уларнинг ҳаммаси халқимизнинг азиз зиёратгоҳлари бўлиб қолди.

Айтиб ўтишимиз керакки, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва «Хотира» китобларидан ўрин олган барча ўзбекистонлик жангчиларнинг номлари мамлакатимиз пойтахтидаги Хотира мажмуида ҳамда вилоятлардаги Хотира майдонларида зарҳал ҳарфларда мангуликка ёзиб қўйилди.

Шу билан бирга, бу йўналишдаги ишлар, изланишлар тўхтовсиз давом эттирилмоқда.

«Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимларига мурожаат этган фуқароларнинг илтимослари инобатга олиниб, Мудофаа вазирлигининг жойлардаги бўлимлари билан биргаликда, 1995 йили нашр этилган «Хотира» китобларига кирмай қолган 15590 нафардан ортиқ марҳум жангчиларнинг номлари излаб топилиб, 2005 йили «Хотира» китобларининг қўшимча жилди нашр этилган эди.

Ниҳоят, бу йил қўшимча жилдларнинг навбатдагиси ҳам тайёрланди. 2005 йилдан кейинги ўтган 3 йил мобайнида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчилардан яна 3725 нафарининг номлари аниқланиб, «Хотира» китобининг янги нашрига киритилди.

Шундай қилиб, «Хотира» туркум китобларининг нашр этилиши билан Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган 450 минг нафар жангчиларнинг номи тикланди.

«Нуроний» жамғармаси ҳомийлигида 3 минг нусхада нашр этилган ушбу китоб барча жамғармалар, тегишли вазирликларнинг жойлардаги бўлимларига ҳамда кутубхоналарга бепул тарқатилади.

**М. САФАРОВ.**

***Сурхондарё вилоятида бугунги кунда 14138 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 1072 таси чорвачиликка ихтисослашган. Бошқалари ҳам пахта ва ғалла етиштириш билан бирга, қўраларини қорамолларга тўлдирмоқда. Маҳсулотини қайта ишламоқда. Муҳими, улар хўжаликнинг кўп тармоқли бўлиши фақат фойда келтириши мумкинлигига ишонч ҳосил қилишмоқда.***

# ЧОРВАДОРНИНГ БАРАКАСИ БОР

Термиз туманидаги «Навбат келди» фермер хўжалиги «Термизсут» заводига кунига 300-400 литр сут сотаяпти. Натижада хўжалик хазинасига сутнинг ўзидан бир кунда 150-200 минг сўм нақд пул тушиб турибди.

Қумқўрғонлик Раҳмиддин Шароповнинг шижоати янада ибратли. У банкдан кредит олиб, Польшадан 60 бош зотдор сигир харид қилди. Бугун ҳар бош ғовмишдан кунига 20-25 литрдан сут соғиб олинаяпти. Бу маҳсулот эса хўжаликнинг янги технология билан жиҳозланган цехида қайта ишланиб, идишларга қадоқланаяпти.

— Энди жойларда ўзимизнинг улгуржи ва чакана савдомизни ташкил этамиз, — дейди Р. Шаропов. — Шу орқали бозорда мўл-кўлчиликнинг ва арзончиликнинг барқарор бўлишига ҳисса қўшаверамиз. Бу йўлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 21 апрелда қабул қилинган ПҚ — 842-қарори кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз.

— Кўпгина фермерларимиз бозорларда ўзларининг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиладиган расталарни очишга тараддуд кўраётганлари қувончлидир, — дейди вилоят бозорлари фаолиятини мувофиқлаштириш бирлашмаси раиси ўринбосари Тошмамат Абриматов. — Ўз навбатида, биз бозорларимиз қошидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотишга йўналтирилган савдо-харид корхоналари ишини жонлантираяпмиз. Гап шундаки, бу йил биргина Шеробод тумани фермерлари салкам 3 минг бош қорамол, 70 мингдан кўп товуқ боқишаяпти. Улар ўзларидан ортган маҳсулотни сотишга чиқаришни режалаштиришган. Демак, фермерларга бозор керак. Бозор эса олибсотарнинг хизматидан кўра, ишлаб чиқарувчининг ҳимматига мунтазир. Шу боис, чорваси сероб фермерлар билан шартномалар тузиш, улар учун аҳоли зич жойлашган манзилларда бозорларнинг шохобчаларини очиш тадбирларини ҳам кўраяпмиз.

▼ **Интилиш**

Жойлардаги фермерларнинг бу борада амалий ишга ўтганлари эса мақтовга лойиқ. Хусусан, «Навбаҳор» фермер хўжалиги (Узун тумани) қўрасига ўттиз бош қорамол боғлади. «Мўмин тўқсоба» фермер хўжалиги (Денов тумани) уч гектар ерини озуқабоп экинларга ажратди.

— Қишлоқда яшаб, яна фермер бўла туриб, бозорга қуруқ қоп қўлтиқлаб бориш, тўғриси, дангасаликнинг белгиси, — дейди Жарқўрғон туманидаги «Зироат юлдузи» фермер хўжалигининг бошлиғи Анвар Холиёров. — Аслида бозорга қопни тўлдириб боришни ўйлаш керак. Ҳеч бўлмаса, фермер ўз хўжалигининг дастурхонини тўкин-сочин қилиб қўйса, шунинг ўзи элга кўрсатилган катта ҳиммат ҳисобланади.

— Ҳозирги кунда биздаги қорамолнинг ўндан бири, қўй-эчкининг еттидан бир қисми фермерларимиз улушига тўғри келади, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассиси Ш. Мусурмонқулов. — Фермерларимиз бу йил



шу улушни икки баравар кўпайтиришни мўлжаллашаяпти. Паррандачиликни, балиқчиликни ривожлантиришга қўл урилмоқда. Негаки, чорва — хазина. Чорваси бор одам чарчамайди. Чорвадори тадбирли элнинг бозори обод бўлади. Фермерларимизнинг ана шу муҳим ишга астойдил бел боғлаб киришаётгани ислоҳотларимиз самарасини янада оширади, албатта.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Миллий анъаналар ва таомлар фестивали

***Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси ташаббуси билан мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида турли тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.***

Миллий анъаналар ва таомлар фестивали ҳам шундай тадбирлар сирасига киради. Вазирликнинг қабуллар уйида ташкиллаштирилган бу йилги миллий анъаналар ва таомлар фестивали Ёшлар йилига бағишланди. Унда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган Миср, Бангладеш, Грузия, Ҳиндистон, Россия, Италия, Хитой, Индонезия, Жанубий Корея, Покистон, Польша, Руминия, Туркия, Тожикистон, Туркманистон, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Чехия, Вьетнам элчихоналари ва Бельгия консуллиги вакиллари ўз миллий анъаналари ва таомларини намойиш этдилар.

— Биз фестивалга ота-боболаримиз яшаган «Гара уй» (ўтов), миллий ҳунармандчилик буюмлари, «Дўграма чўрвў», «Юмуртқа барак» сингари туркман таомлари, фольклор қўшиқларимизни тайёрлаб келдик, —дейди пойтахтимиздаги туркман миллий-маданий маркази раҳбари Оразмурот Қурбонов. — Тадбирда қатнашаётган бошқа давлатлар вакилларининг санъати, маданияти билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдик, дўстлар орттирдик.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport



***Яна саноқли кунлардан сўнг Қорақалпоғистонда ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларининг “Баркамол авлод—2008” спорт ўйинлари финал босқичи бошланади. Шу муносабат билан бу ерда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.***

# ОРОЛБЎЙИДА БАЙРАМ НАФАСИ

Нукус шаҳридаги “Турон” стадионида мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш тантаналари ўтказилади. 1 миллиард 100 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган ушбу стадион 12 минг нафар томошабинни бағрига сиғдира олади. Нукус спорт коллежи қошидаги ёпиқ сузиш ҳавзаси ва катта спорт залида ҳам сўнгги пардозлаш-ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Иштирокчилар ва меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, тиббий хизмат, маданий тадбирларни амалга ошириш бўйича масъул ишчи гуруҳлар тайёр ҳолатга келтирилди.

Спорт ўйинларини тезкорлик билан ёритиб бориш мақсадида “Ахборот маркази” ташкил этилди. Бу ерда журналистлар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Интернет тармоғида “Баркамол авлод — 2008” мусобақаларининг махсус сайти очилган бўлиб, унда мамлакатимизда спорт ривожига қаратилаётган эътибор, уч босқичли мусобақаларнинг тарихи, машҳур спортчилар, республика ва халқаро мусобақалар ғолиблари, қолаверса, Қорақалпоғистондаги тарихий ёдгорликлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, спорт иншоотлари, таълим масканлари ҳақида батафсил маълумотлар киритилган.

“Баркамол авлод — 2008” мусобақалари Нукус, Хўжайли ва Тахиатош шаҳарларида жойлашган ўқув муассасалари спорт майдончаларида бўлиб ўтади. Ушбу шаҳарларда ҳашар ва шанбаликлар ташкил этилмоқда. Уларда меҳнат жамоалари, талаба ва ўқувчи ёшлар, фуқаролар фаол иштирок этишмоқда. Бундай саъй-ҳаракат туфайли биргина Нукус шаҳрида 32,7 минг туп дарахт, 10,2 минг дона ҳар хил гул кўчатлари экилди. Бундан ташқари, кўп қаватли уйлар, корхона, ташкилот ва ўқув бинолари таъмирланди.

Мусобақа иштирокчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ишчи гуруҳ маълумотига кўра, тиббий ёрдам кўрсатишга жалб этилган ходимлар рўйхати, уларнинг навбатчилик жадвали, тез ёрдам бригадалари таркиби, жойлашуви тасдиқланган. Аввал ўтказилган спорт мусобақалари тажрибасидан келиб чиқиб, ходимлар учун услубий қўлланмалар тайёрланиб тарқатилди. Тез ёрдам машиналари техник кўрикдан ўтказилган ҳолда тахт қилиб қўйилди.

Хабарингиз бор, уч босқичли спорт ўйинларида яхши анъанага асос солинди. “Баркамол авлод — 2008” спорт ўйинлари машъаласи ҳам Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган “Физика — Қуёш” илмий ишлаб чиқариш марказининг 2600 градусли қуёш ўчоғида ёндирилади ва Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти томонидан ташкил қилинган махсус автомобиллар кортежи ҳамроҳлигида спортчи ёшлар томонидан Нукус шаҳрига етказилади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТЕННИС УСТАЛАРИ МУСОБАҚАСИ

***Андижонда эркаклар ўртасидаги «Фьючерс» халқаро турнири бошланди. Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган ракетка усталари иштирок этаётган ҳамда Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига киритилган мусобақада биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган дастлабки теннисчилар номи маълум бўлди.***

Ўзбекистонлик теннисчилардан Мурод Иноятов биринчи учрашувда россиялик Максим Канаковга қарши кортга чиқди. Ҳамюртимиз учрашувни 6:2, 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, мусобақани давом эттирадиган бўлди.

Умидли теннисчимиз Арсен Асанов ҳам Россиядан келган Александр Красноруцкий билан куч синашиб, рақибини 7:5, 6:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Яккаликлар ўртасидаги қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Вирапат Доакмаикли (Таиланд) – Андрей Куманцев (Россия) 7:6, 6:4, Дмитрий Жирмонт (Беларусь) – Жонибек Ўрозалиев (Ўзбекистон) 6:2, 6:0, Дмитрий Ситак (Россия) – Рифат Биктяков (Ўзбекистон) 6:1, 6:1, Равен Клаасен (Жанубий Африка Республикаси) – Перикиат Сирилуэтаиваттана (Таиланд) 6:0, 6:3, Пиракит Сирибутвонг (Таиланд) – Артём Исаев (Россия) 6:4, 6:0.

Жуфтликлар ўртасидаги беллашувларда эса Рифат Биктяков билан бирга ўйнаётган тажрибали теннисчимиз Важа Узоқов Буюк Британиядан келган Крис Итон ва Александр Славински дуэтини 6:1, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

Шунингдек, биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган, Таиланддан келган оилавий дуэт — Кирати ва Пиракит Сирибутвонг, россиялик Виктор Козин ва Константин Кравчук, Александр Красноруцкий ва Андрей Куманцев, америкалик Натан Томпсон ва Райан Янг жуфтликлари ҳам беллашувларни давом эттирадиган бўлди.

«Фьючерс» турнири ғолиб ва совриндорлари 11 май куни бўладиган финал учрашувида аниқланади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

МАДАНИЯТ *хабарлари*

# Ёш ҳунармандлар кўриги



***Республика Ҳунармандлар уюшмасининг Марғилон шаҳар бўлимида “Дўппи тикдим ипаклари тиллодан” деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.***

Тадбир шаҳар ҳокимлиги, “Маҳалла” жамғармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур кўрикни ўтказишдан мақсад, ёшлар қалбида миллий қадриятларимизга эҳтиром ҳиссини кучайтириш, йигит-қизларни касб-ҳунарга йўналтириш, қолаверса, “Устоз-шогирд” анъанасини янада кенг тарғиб қилишдир.

Якуний натижаларга кўра, шаҳардаги Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, Енгил саноат ҳамда Педагогика касб-ҳунар коллежлари юқори натижаларни қўлга киритди. Шунингдек, кўплаб танлов иштирокчилари бир неча номинациялар бўйича тақдирланди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

# Қадриятлар бардавом гўша

***Деҳқонобод туманидаги Оқиртма қишлоғи икки кун давомида адабиёт, миллий мусиқа санъати ва халқ оғзаки ижоди мухлислари билан гавжум бўлди.***

Ёшлар йилига бағишланган “Бахшили эл ботирларни унутмас” номли кўрик-танлов чоғида қир-адирларни бахшиларнинг жўр овози, сибизғаю чанқовуз оҳанги тутиб кетди. Унда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган ёш ижрочилар иштирок этдилар.

Карнай-сурнай садолари, фольклор-этнографик дасталарнинг чиқишлари танловга байрамона шукуҳ бахш этди. Достон ва терма айтишувида, кутилганидек, Деҳқонобод бахшичилик мактаби вакиллари энг иқтидорли деб топилди.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ.**



***Бухоро вилоятида “Ниҳол — 2008” кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтди. Танловнинг Бухоро шаҳри босқичида ҳам 30 нафарга яқин истеъдодли йигит-қиз ўз маҳоратларини синаб кўришди.***

# Истеъдод — беллашувда сайқалланади



Пойтахтлик таниқли санъаткорлардан иборат ҳайъат аъзолари эстрада, рақс, мусиқа ҳамда опера йўналишлари бўйича ғолибларни аниқладилар. Унга кўра, Илёс Арабов, Дилноза Ибодова, Файзулла Хўжаев, Габриэл Борухов сингари ёшлар танловнинг вилоят босқичида қатнашиш учун йўлланма олишди.

**Ҳусан БУРҲОНОВ.**

Саломатлик

***Пойтахтимиздаги 202-мактабда “Саломатликнинг ёш дўстлари” деб номланган мусобақа ўтказилди. Тадбир “Қизил Ярим Ой” жамиятининг Чилонзор тумани кенгаши, туман халқ таълими бўлими, ИИБ йўл-патрул хизмати жамоасининг Чилонзор сектори ҳамда ҳудуддаги қатор оилавий поликлиникалар ҳамкорлигида ташкил этилди.***

# Тиббий саводхонлик синови

Унда шаҳримиздаги мактабларнинг юз нафарга яқин ўқувчиси иштирок этди.

Мусобақада ўқувчиларнинг тиббий саводхонлиги, йўл ҳаракати қоидалари борасидаги билимлари турли шартлар орқали синовдан ўтказилди. Беллашув натижаларига кўра, 202-мактаб ўқувчилари ғолиб деб топилиб, ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совринлари билан тақдирландилар.

— Ёшларимизнинг тиббий маданиятини шакллантириш бугунги муҳим вазифалардан саналади, — дейди 46-оилавий поликлиника шифокори Ф. Раҳматова. — Чунки баркамол авлодни вояга етказиш, энг аввало, фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзига риоя қилиш сингари фаол ҳаракатларига боғлиқ. Бу борада оилавий поликлиника шифокорларининг туманимиз таълим муассасаларида амалий ўқув соатларини ўтказишаётгани, шубҳасиз, ижобий самара бермоқда.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

GUNWOO
ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охирги ишланмалари асосида яратилган
**ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР**НИ
таклиф этади.

**Диаметри 100 мм. дан 1200 мм. гача.**
**Босимга чидамлилиги — 12,5 бар.**

*ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ:*
*суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, саноат, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.*

1. Ичимлик суви таъминоти учун босимга чидамли, уч қатламли қувурлар (225-1200 мм.)
2. Икки қатламли қувурлар (150-1200 мм.)
3. Икки қатламли перфорацияланган қувурлар (150-1200 мм.)
4. Бўртмали қувурлар (100-400 мм.)
5. Бўртмали перфорацияланган қувурлар (100-400 мм.)
6. Канализация учун қувурлар.

**Бизнинг полиэтилен қувурлар нисбатан қулай бўлиб, монтаж ишларини осонлаштиради.**
**Вилоятлардаги дилер ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этамиз.**
ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.
ФАКС: (370 71) 715-63-16.
Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., «Қанғли» к., 16-«А» уй.
gunwoo@mail.ru
Маҳсулот сертификатланган.




ВЕРСАЛЬ
МИР обоев
Erismann
палитра
Российский линолеум
Тел. 234-48-11
Факс 234-49-58
Товар сертифицирован.
Форма оплаты — любая.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси Марказий бухгелтериянинг масъул ходими Ўлмасбой Холматович Холматовга онаси
**БУХАДИЧАХОН аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси ва Р. Р. Шредер номли илмий текшириш институти жамоаси корпорация бош ҳисобчиси Икром Маҳмудович Юнустаевга онаси
**Хадиса ЮНУСТАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5 6 7